




Ozodlik uchun o'limga tayyor xalqqa Ozodlikka loyiqdir

# ERKIN YURT

O'zbekiston Xalq Harakatining rasmiy nashri

№99 14.09.2013



Хитой газ тармоғининг кўзда тутилган йилига 30 миллиард кубометр ўтказиши кувватига эга тўртинчи шахобаси курилиши ва эксплуатацияси тамойиллари ҳақидаги келишув Протоколи имзоланди.

Бундан ташқари, Хитой миллий нефтегаз корпорацияси (CNPC) Муборак газ кимё мажмуси базасидаги табиий газни қайта ишлаш лойиҳасини амалга ошириша иштирок этади.

Июн ойида, УзА хабарига кўра, Тош-

## ЭНДИ ХИТОЙГА ТАЪЗИМ

Ўзбекистон президенти атрофидаги янги ҳамкор- Ўзбекистонда уч кун сафарда бўлган XXR раиси Си Цзиньпин. Каримов энди Хитой пинжига сукілмоқда

Хитой халқ республикаси раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга 8-10 сентябрь кунги ташрифи ўта олий даражада ташкил этилди.

И.Каримов, ЎзА ахборот агентлигининг хабар беришича, буни «Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг фундаментал асосларини мустаҳкамлашдаги тарихий воқеа ифодаси» деб баҳолади.

Иккала мамлакат расмий ОАВлари, ташриф мобайнида 15 млрд. АҚШ доллари микдоридаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 31дона хужжат имзоланганини билдиришиди.

Тағин, 2013 йилнинг март ойида мамлакатнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларида яратилган маҳсус саноат зonasидаги юкори технология ишлаб чиқариш қурилишлари ва лойиҳаларига бевосита хитой сармояси жалб этиш 14 та битим имзолангани айтилади. Хитой Ўзбекистоннинг нефтгаз ва инфраструктузиллар курилиши соҳасида фаол ишлаб келади. Бир йилдирки, Хитой аллақачон ўзбек гази импортеридир ва эндиликда Тошкентда Ўзбекистон-

кент вилоятини Фарғона водийси билан боғловчи туннелдан ўтвучи Анрен-Поп темир ўйли қурилиши бошланган.Хитой молиявий соҳаларда, асосан муайян соҳалар бўйича кредит бериш ўйли билан, Тошкент билан алоқаларини фаол ривожлантиради. Хитой томонидан иктисадий алоқаларнинг ривожлантиришидаги акценти, АҚШда яшовчи сиёsatшунос Тошпўлат Йўлдошевнинг айтишича, унинг яқин йиллардаги имтиёзларини белгилайди. Хитой раҳбарияти, агар Си Цзиньпиннинг Марказий Осиё бўйлаб сафарини кузатаркан, минтақа мамлакатларига катта аҳамият билан қараётганини айтиш мумкин.

Сиёsatшуноснинг сўзларига кўра, Хитой учун минтақанинг бой табиий ресурсларини, савдо бозорини кўлга киритиш, сепаратизм ва ҳафсизлик масалаларини кўллаб кувватлаш мухимdir.

“Хитой айё兒лик қилмоқда, — дейди Йўлдошев, — улар сиёсий мамфаатларини кўз-кўз қилмасдан мамлакатдаги инфраструктуzmани ривожлантиаркан, конларга, турли ишлаб

чиқаришларидағи улушларга эгалик килишади.

Сиёsatшуноснинг фикрига кўра, 2014 йилдан кейин, ғарб мамлакатлари Афғонистондан ўз қўшинларини олиб чиқишига, уларнинг Ўзбекистон билан муносабатлари кераксизлиги учун сөвий бошлайди, барibir Хитой орбитасидаги кўтарилишни кутмаслик керак.

“Хитой кескин сакрашлар қўлмайди, бирор ўзининг устиворлигини пул ва иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш орқали мустаҳкамлайди”, — дейи хисоблайди Йўлдошев.

Катта давлатларнинг манфаатларидан сиёсий манфаатни кўзловчи Ислом Каримов, XXR раиси ташрифидан шубҳасиз, курсанд.

“У Си Цзиньпин фонида тусланиб, дунёнинг бошқа лидерлари — АҚШ ва Россияга — унинг қочадиган ва керак бўлса ўзини сотадиган бошқа жойи борлигини кўрсатмокчи бўлади”, — хисоблайди Тошпўлат Йўлдошев. Хитойнинг иқтисодий лойиҳаларига, Ўзбекистоннинг ривожланишига Каримов тупуриб кўйган, деба кўшимча қиласи. “Ўзбек лидери ва унинг бандаси бор йўғи мамлакатни талаш учунгина «қатта оға»нинг – яъни, Америка ёки Хитой ёки рус кўллаб кувватлашига муҳтоҷ”, — дейди Йўлдошев.

У яқин йилларда бўладиган Президентлик сайловига тайёргарлик кўярятди. Унинг янги ўринбосарини дунё тан олмас экан, унинг ишлари пачава бўлади. Хитойнинг сифатсиз моллари бизга керак эмас, дейдиган Каримов ўз фойдасини ўйлаб, энди улардан паноҳ ва кўллор кутяпти. Айнан шу максад билан гўёёки “иқтисодий лойиҳалар”ни баҳона килиб, аслида келажак ишларини кўзлаяпти.

Шавкат Холиков

## GOOGOOSHA'НИНГ БҮЙРУФИ

Диктаторнинг қизи Гулнона Каримованинг бўйруғига асосан унга тегишли булган Электросеть ва Жануб газ ширкатлар ходимларини пахта теримига чиқаришни бекор қилиб, кеча 9сентябрь куни Ўзбекистондаги барча вилоят ҳокимларига Бош вазир Шавкат Мирзиёев бошчилигига гурух ташкил қилинди.

Гурухга Электро энергияни халқа ва тадбиркорларга беришини қисқартириш мақсадида Рейдлар ташкил килиш топши-

рилди.

Туман ҳокимлари ушбу гурухга Давлат Солиқ Инспекциясини, Прокуратура, МХХ ходимлари ва бошқа структура ходимларининг давлат рақами ечилиган авто машиналари билан босқинчилик тадбирлари ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирда тадбиркорларни айбизиз айбор қилиб, улардан катта жарималар олинмоқда.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, хоziрги кунда электро энергии-

яни нархи ақл бовар қилиб бўлмайдиган нарҳада.

Вилоятлар ҳаммаси қарздор бўлса нега электросеть ходимлари Мукофот пули ва фойдадан нафақа олишади. Авто машиналарини давлат рақамини ечиб кеч соат 10-30 ларда Туман РЭС ходимларига айтмай камералар билан тадбир ўтказилмоқда.

Хуллас Гугуша хоним янада энергия беришини қисқартириб чет элларга АҚШ долларларига сотишини яхшироқ йўлга кўйимоқда.

XXR хабар маркази





## ДАВЛАТ ХАЗИНАСИ БЎШАБ ҚОЛГАН ВА УНИ ТЎЛДИРИШ УСУЛЛАРИДАН БИРИ-МУЛК СОЛИФИНИ ОШИРИШ

*Ўзбекистонда давлат хазинаси бўшаб қолган, дейди iznews.net сұхбатдоши. Афтидан »отаси»нинг қизи давлат хазинасини еб битирганга ўхшайди. Давлат хазинасини яна ўша »дангасалар» бошқа давлатларда сарсон бўлиб, ишлаб пул юбориб тўлдиришиади. Узбекистонда яқин кунларда жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиги даражасини камида 10 бараварга ошириши режсаланмоқда.*

Ер захиралари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси бир неча ой мукаддам Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида ҳар йили жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиги миқдорини ошириш ташаббуси билан чиқсан, деди бугун анонимлик шартига кўра ушбу Қўмита ходими.

«Давлат хазинаси бўшаб қолган ва бу уни тўлдириш усулларидан биридир», — деда тушунтиради манба.

Унга кўра, бугунги кунда ушбу ташаббусни аллақачон, соликларнинг

оширилишидан моддий манфаатдор бўлган идоралар, — Иктисол вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Давлат солик қўмитаси қўллаб кувватлаган (виза қўйган).

Факат Меъморчилик ва қурилиш давлат қўмитасининг рағбатини олиш қолган, ушбу идоранинг бу янгиликдан бевосита манфаати йўқ.

Бир неча бор барча зарур ҳужжатлар қўмитага жўнатилган, бироқ ҳар сафар уларнинг «саводсиз тузилгани ва хисоблангани» қайд этилиб, қайтаришган.

— 2013 йилнинг 1-январидан оширилган эди. Яъни агар 2012 йили унинг миқдори, мулк инвентаризацияси нархининг 0,9% ҳисобида белгиланган бўлса, шу йилнинг бошига келиб у 1,04%ни ташкил этган.

Таъкид жоиз, мулкнинг инвентаризацияция нархи, турар жой майдони даражасидан олинадиган соликка мутаносиб тарзда фиксация килинмайди:

Улар бино жойлашган худуд, қурилишнинг қачон амалга оширилгани ва бир канча майда чўйдаларни ўз ичига оладики, уларни хисоблаб чиқиши бирор солик нозири зиммасига олмайди.

Масалан, пойтахтнинг «Бунёдкор» метро бекати яқинидаги замонавий тўққиз қаватлик уйнинг сўнгги қаватидаги 2 хонали квартира эгаси Зиёд жорий йил учун 47 минг сўм мулк солиги тўлади.

Унинг ошинаси Акром айни шундай, бироқ Педагогика университети атрофидаги «эски фонд» ва биринчи қаватда жойлашган квартира учун 43 минг тўлади.

Агар солик оширилиши ҳақидаги ҳужжат кучга кирадиган бўлса, у холда келаси йилдан бошлаб Зиёд 470 минг (таксиман, 174 доллар) Акром эса 430 минг (159 АҚШ доллари) тўлаши лозим бўлади.

Шу йилнинг 15-августидан бошлаб Ўзбекистонда иш ҳақининг минимал миқдори 91 530 сўм (34 АҚШ доллари атрофифа) килиб белгиланган.

**Шавкат Холиков**

Бироқ, Меъморчилик ва қурилиш давлат қўмитасининг виза қўйиши масаласи — вақти соати билан ҳал бўладиган масала. Афтидан йил охирига қадар унинг раҳбарияти бу ҳужжатни имзолайди.

Ўзбекистон Солик кодексига кўра, соликка тортиладиган объектлар сирасига, республика худудидаги турар жойлар, квартиralар, дала ҳовли қурилиш бинолари, гаражлар ва бошқа қурилма, бино, иншоотлар киради.

Охирги бор ушбу солик – 15% га

## ПАХТАГА ЧИҚМАСАНГ - \$55 ТЎЛАЙСАН!

Жиззах вилоятининг Фаллаорол туманида катталар ва болалардан пахта теримиға чиқиш ёки унинг ҳақини тўлаш талаб қилинмоқда, деда иқтибос келтиради.

Жиззах вилоятининг ёш болали ота оналари август учун болалар нафақасини ололмаслик муаммосига дуч келишмоқда.

Кишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари Жасур Йўлдошев ва Дилноза Сангировалар, шикоят қилган одамларнинг уйларига бориб, уларга пахта теримида қатнашган тақдирдагина уларга нафақа тўланишини билдиришган.

“Агар пахтага чиқсаларинг нафақа бўлади, агар қўлингиздан келмаса, унда ўринларингга одам ёлланглар”, деда билдиришган қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари. Улар шунингдек пахта теримидан колишининг ягона йўли — оиласининг ҳар бир катта аъзоси учун 150 минг сўм (55 АҚШ доллари атрофифа) тўлашни таклиф этиш-

ган. Бошқа оиласарга бориб улар, болалар нафақаси аллақачон пахта мавсуми учун олингани, оналар уни олишдан умидвор бўлмасликларини билдиришган.

Шунга ўхшаган ҳолатлар, — пахтага чиқмаслик учун товоң тўлаш таклифлари Фаллаорол тумани ўкув муассасаларида ҳам янграмоқда.

6 сентябр куни тиббиёт коллежида ота оналар мажлиси бўлган, унда ота оналарга фарзандларининг пахтага чиқишини 100 фоиз таъминлаш мажбуриятини қўйишган, деди унда бевосита иштирок этганлар.

Агар қайсиdir ўқувчининг пахтага чиқишига соғлиғи тўғри келмаса, бу оиласарга 600 минг сўм (220 АҚШ доллари) келтиришни буюришган. Диктаторнинг тубан сиёсати ўқувчиларни мактабдан қолдириб, далада ишлашга сафарбар этяпти. Агар соғлиғи тўғри келмаса товоң тўлашга мажбурлаяпти.

**Шавкат Холиков**

## АҚШДА 3000 ҚУРЬОННИ ЕҚМОҚЧИ БЎЛГАН ПАСТОР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Флорида штати полицияси Куръони каримни ёқиш акциялари билан ном чиқарган протестант рухонийси – Терри Жонсни қўлга олди. Бу сафар пастор қарийб 3 мингта Куръонга ўт қўймоқчи бўлган. Унинг фургонини тўхтатган полициячилар керосинга ботирилган Куръон китобларини топишиди.

Жонс 2001 йил 11 сентябрь воқеалари курбонларининг ҳар бири учун, яъни 2998 та Куръонни ёқиш нијатида эканлигини эълон қилган. Яна у мусулмонларга нисбатан ҳеч қандай ғарази йўқлигини, бироқ Ислом динининг «шафқатсизлиги»дан хавотирга тушишини айтган.

Пасторга айблов зълон қилинган, лекин айнан қандай айблов эканлиги маълум қилинмаган. Жонс илк бор 2011 йилнинг мартада мусулмонларнинг муқаддас китобини ёқкан эди. Шундан кейин суд унга уч йил давомида масjidларга яқинлашишни таъкидлаган. 2012 йил баҳорида эса у яна Куръонга ўт қўйди.

**УҲҲ хабар маркази**



Совет режимидан қолган колхоз ва совхозларни номини ўзгариши билан фойдаланяпти. Яъни ўзбек халқи аввалги каби давлатга ишлапти ва очликдан ўлмайдиган даражада емак ола оляпти.

Яна бу каби бир қатор қийинчиликлар, доимий назорат ва давлат органлари таъкиби остида эзилган халқ-сўнгги чора дея, ўз ватанини тарк этишга мажбур бўла бошлади. 5миллиондан ортиқ Узбек ўз ватанини ташлаб бошқа юртларга кетган. Бу мазлумларнинг

пулни юборгунча яна маҳкамада қолдирилган.

Бошқа бир фирма соҳиби ўз ҳолини куйидагича баён қиласди: У ерда қамоқда колаётган ишчиларим бор. Уларни куткариш учун ҳараакат киляпман. Мен у ердан кийимимни ҳам олмасдан чиқдим. Туркиядан Ўзбекистонга келтирган молларнинг қарзи ҳам бизнинг бўйнимизга илинди”.

“Федерал Групп” номи билан Ўзбекистонда жиддий бир сармоя киритиб ҳам гуноҳкор бўлган одам-

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРК ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ МОЛЛАРИ МУСОДАРА КИЛИНЯПТИ

Фаррух Кўсенинг “Зулмнинг буюги Ўзбекистонда” номли мақолосининг бешинчи ва сўнгги бўлимида Ўзбекистонда ишлётган Турк тадбиркорларининг хақларига тажовуз қилинганлиги айтилади. Ўзбекистонда асосан Турк Тир хайдовчилари маҳбус сифатида ётишибди. Уларнинг юк машиналаридан бироз героин топилди, дея уларни олиб кириб камаб қўйиш ҳолатлари кўпайган. 2-4йиллар бўйи ётган маҳбус турк қардошларимиз бор. Масалан, Чорумлу Суруру Узан, Истанбулли Мурат Дуч, Фазиантепали Мехмет Пўсталли шулар жумласидандир. Тадбиркор Шаҳин Четинқая 5 йилдир Ўзбекистонда маҳбус. Гунохи, ўзбек шериги билан шерикчилик қилишдан бош тортди. Ўзбек шерик Шаҳин Четинқаяга пул бериши кепрак эди, пулини сўраганда “шантаж қилиб пул ундиromoқчи” дея милицияга берган. Пулни ҳам олди, молини ҳам, ўзини эса ҳибсга олдилар.

### Ўзбеклар Ватанларидан қочишияпти

Ўзбекистон дунёнинг энг бой ер захираларига соҳиб ўлкаларидан бири. Петрол ва табии газ, олтин, фойдали металлар, кўумир захиралари бор. Йилига 4миллион тоннага яқин пахта, 80тоннага яқин олтин олинади. Ўзбек халқининг ярмидан кўпроғини ёшлилар ташкил қиласди. Яъни, мамлакат етарли иш кучига ҳам эга. Лекин диктатор Каримовнинг 23 йиллик раҳбарлиги ортида Ўзбекистон иқтисодиёти ифлосланган. Шунингдек, Ўзбекистонда ҳаётнинг барча жабҳаларида халқни эзиш кузатилиди. Золим режим ўз халқини бемалол ишлаш, тижорат қилиш, ўз иш жойини қуриш, давлатида ва ташқарида саёҳат қилиш кабилардан маҳрум этган. Бунинг ўрнига

кўпчилиги Россияда бутун инсоний хақ ва хуқуклардан маҳрум ҳолда яшаяпти. Каримов бу каби диктаторлигини бутун дунёнинг кўз олдиди Америка, Россия, Хитой ва яна бир қанча империалист ўлкалардан тажриба ва дастак олиб юргизяпти.

Мамлакатда хуқуқ йўқ. Хақ йўқ. Полицияси ҳам, аскари ҳам, давлат хавфсизлик хизматлари ҳам Каримовнинг буйруғига биноан иш олиб боришади.

Кийноқнинг ҳар тури бор: таёқ, электр токи, сувда қайнатиб ўлдириш, кесиш, айриш каби исеканжа турлари доимо қўлланилади. Ҳисбхона ҳужраларининг бўйи бир метр 30см. Шундай бир ҳужрада ойларча, йилларча қолганлар бор.

Шу онда Ўзбекистонда 5миллион бола пахта далаларида теримда. Ўлкада 5миллион ишсиз бор. Сиёсий тушунчалари туфайли 20минг киши қамоқхоналарда. Бу каби тузум билан Ўзбекистон очик ҳаводаги қамоқхона каби!

### Турк тадбиркорларига Каримов зулми

Ўзбекистонга сармоя киритган Ваҳит Гунешнинг 60миллион европлик AVM и мусодара қилинган, бутун моллари талон тарож қилинган. Ўзи эса 9 ойга яқин қамоқхонада ўтириб, жисмоний ва руҳий қийноқларни кечиргандан кейин 700минг АҚШ доллари бебриб жонини куткарган. 18 ширкати мусодара қилинган Ваҳит Гунешнинг мол зарари энг оз 50миллион долларни ташкил қиласди. У бутун мол-мулкини, ҳатто мобил телефонини ташлаб, ёлғиз камзулини олиб жонини куткарган.

Ваҳит Гунешнинг айтишича, қамоқхонадаги қийноқлар унинг руҳан эзиб юборган. У ердан кутулиш учун 700минг долларга келишган, Туркиядан унинг акаси

ларнинг яна бири Осим Каян. У ташкил қилган фирманинг 100дан 49% шериги Ўзбек Ҳукумати. Туркияда эканлиги вақтида ҳақига хиёнат қилганликда айблағанлар. Муаммонинг ечими учун Ўзбекистонга кетар экан, аэропортда ушланади. 365кун қамоқхонада қолади. Бошига калтаклар еб, ақл бовар қилмас қийноқларда қолади: “Ухлар экансан, бошингга нималар келишини билмайсан. Темир эшик ҳар очигандага кўркар эдик, оқшом соат 17:00да чақиришганда эса билардикки, яна калтак ва қийноқ бор”.

365ундан кейин уларнинг иши давлат фойдасига ҳал бўлди, бутун мол мулк Ўзбекистонда қолди, зарари 20-25миллион доллар.

Ўзбекистонга 2005йилда кетган Нуман Ақин озик овқат корхонаси очиб ишлатар эди. Барча давлатга тўланадиган соликларни ва кира хақларини ўз вақтида тўлар эди. 2011йилнинг февралида эса унинг фабрикасига таҳдид қиласди.

Тадбиркор Мустафо Нурдўғон эса Каримовнинг буйруғи билан қамоққа тушган. Барчаси бўлиб 250миллион долларлик сармоясига қўл солинган. Тилда осон, лекин бунинг хисобичи? Рақамнинг қанчалик атталигини қаранг: 250миллион доллар! Бу киритилган сармоядан ўқотилган миқдор.

Энди ҳаққини Халқаро Тижорат Ташкилоти билан боғлиқ ҳолда ишлётган Мустафо Нурдўғон Ўзбекистонни бизга шундай тарьифлади: “Тўрт гурухга асло авф йўқ: Мухолифлар, Сиёсий рақиблар, Бойлар ва Диндорлар. Буларга бир баҳона билан 10йил жазо берилур ва ҳисбхонадан қайтиб чиқарилмас. Чиқса ҳам ўлиги чиқади. Каримовнинг ва қизининг отини айтиш ҳам гуноҳ!”

ЎҲҲ хабар маркази



## ЎЗБЕКИСТОНГА «СИЁСАТШУНОСЛАР» КЕРАК ЭМАС

*Афтидан, Ўзбекистонда ёшларнинг ичидан сиёсатшунослик етиши чиқаётганлиги “Отаси”нинг жигига теккан кўринади. Акс ҳолда, мамлакат олий ўкув юртларида сиёсатшунослик кафедралари ёпилмаган бўлар эди. Озодликдан олинган хабар тафсилотига кўра, Ўзбекистон Олий таълим вазирлиги қарори билан янги ўкув йилида мамлакат олий ўкув юртларида сиёсатшунослик бўйича мутахассис етказиб берши тўхтатилди. Мутахассислиги «сиёсатшунос» деб ёзилган сўнгги дипломлар 2013 йилги битирувчиларга берилди.*

Озодлик манбалари йилига ўнлаб сиёсатшунослик соҳаси мутахассисини етказиб бериб келган Тошкентдаги Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети, Шарқшунослик институти ҳамда Миллий Университетда сиёсатшунослик кафедралари ёпилиб, 2013-2014 йилги ўкув йилидан талабаларга жаҳон сиёсати фани ўқитила бошланганини хабар килди.

- Бизда аввал Халқаро муносабатлар факультетида Сиёсатшунослик кафедраси бор эди, ҳозир у ёпилиб ўрнига Жаҳон сиёсати ўқитила бошланди, бу факультетни тамомлаганлар энди халқаро муносабатлар соҳаси мутахассиси бўлиб етишишади, деди Тошкентдаги Шарқшунослик институти ходимларидан бири.

Жаҳон Иқтисоди ва дипломатия университетида ҳам шу ахвол.

- Сиёсатшунослик ўрнига Жаҳон сиёсати бўлган ҳозир. Бундай ўзгариш сабабини билмаймиз, буни Олий таълим вазирлигидан сўранг, деди ЖИДУнинг илмий ишлар бўлими ходими.

Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги расмийлари мамлакат олийгоҳларида сиёсатшунослик факультетлари ёпилиши сабабини изоҳлашмаяпти.

Озодлик мухбири боғланган вазирлик мутасаддилари юқори номи келтирилган ўкув юртларида сиёсатшунослик кафедраларининг ёпилганини тасдиқлади.

бўлган:

- Ҳозир Ўзбекистонда илмий-касбий йўналиш, диплом олиб, диссертацияларни ёқлаш маъносида бу йўналиш, яъни политология ёпилган.

Буни расман ҳеч ким тушунтирмаяпти. Ҳозир сиёсатшунослик бўйича қанча-қанча фан номзоди, фан доктори чиккан.

Қанча-қанча олимлар шу соҳа бўйича диссертациялар ёқлаган.

Улар политолог бўлиб етишган. Энди ҳозир уларни билмадим, қанақа деб аташ керак. Чунки политология ўрнига бошқа алтернатива таклиф этилгани йўқ.

Шунинг учун Ўзбекистонда политологлар ким энди, деган савол очик қолмоқда, дейди Толипов.

Толиповнинг айтишича, Ўзбекистондаги ёпиқ тизим сиёсатшуносларни кераксиз касб эгаларига айлантирган:

- Ўзбекистонда сиёсий майдон бор, аммо у ёпиқ. Бу ёпиқ сиёсий тизим. Бундай тизимда сиёсий жараён ҳам ўзгача кечади.

Бунақа тизимда демократик давлатлардагидан фарқли сиёсий таҳлилчилар, сиёсий маслаҳатчиларга уччалик талаб йўқ.

Умид қиласан бу вақтинчалик. Вақти келиб Ўзбекистонда сиёсатшунослик соҳаси яна тикланади, дейди Толипов.

**ЎҲҲ хабар маркази**

## БИШКЕКДА ШҲТ’ГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ БОШЛАНДИ

Бугун, 13 сентябрда Бишкекда ШҲТга аъзо давлатлар бошлиқларининг тор доирадаги мажлиси бошланди.

Кеча Бишкекда Ўзбекистон, Козогистон, Кирғизистон, Хитой, Россия ва Тожикистон раҳбарларининг амалий учрашуви бўлиб ўтган эди.

Расмий дастурга мувофиқ ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси тор доирадаги учрашув билан бошланади. Анъанага кўра, мажлис кенгайтирилган таркибда давом этади. Аъзо мамлакатлар раҳбарлари даврасига кузатувчи давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари кўшилади.

Давлатлар раҳбарлари ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш, узқ муддатли яхши қўшничилик ва дўстлик муносабатларини ривожлантириш, минтақавий хавфисзликни таъминлаш, ШҲТ маконида иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни фаоллаштириш юзасидан фикр алмашадилар.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунида Бишкек декларацияси қабул қилиниши, ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор хужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаев билан учрашиди. Музокарада Ўзбекистон-Қирғизистон муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашиди.

Кирғизистон президенти аппарати сиёсат бўлими бошлиғи Сапар Исаковнинг айтишича, ШҲТга аъзо давлатлар бошлиқлари кенг доира-га ёйиш мумкин бўлмаган ўта муҳим масалаларни тор доирада муҳокама килишади.

Шундан сўнг кенгайтирилган таркибда давлат бошлиқлари бошқа дол зарб масалалар – минтақавий ҳамда ШҲТ таркибига кирган мамлакатлар хавфисзлиги, шу билан бирга Суриядаги хавфисзликка оид масалаларни муҳокама килишади.

Мажлиса ҚР президенти Алмазбек Атамбаев, XХР раиси Си Цзиньпин, Россия президенти Владимир Путин, Тожикистон президенти Иномали Рахмон, Ўзбекистон президенти Ислом Каримов қатнашмоқда.

Эрон, Афғонистон президентлари назоратчилар сифатида келишган.

**ЎҲҲ хабар маркази**



футбол кўриши қайси мақсадларга хизмат килар экан-а?! Журналистларнинг фикрларига “кулок” тутиб, ўз идораси учун ахборот йиғиши учунми ёки журналистларни “ёвуз” кучлардан химоя килиш учунми? Ёки мазза қилиб, футбол томоша қилиш учунми?

Бу саволларга жавоб тополмаганимдан: “Пресс-ложангаям, пресс-ложангнинг нотаниш кимсаларигаям!..” – деб юбордим.

Ичимдан, албатта! Мен ҳам ўзбекман-да: миллатдошларим каби бор дардимни ичимга ютиб, фикрларимни ҳам ичимдан айтаман! “Оч корним, зато тинч қулогим”, — деган ўзбекона мил-

канотдан югуриб бориб, ракиб жарима майдонида шериги бўлса-бўлмаса пас оширавади. Ушбу футболчи дарвозага 5-6 метр масофадан зарба бермайди, лекин 25-30 метр узоқликдан бир тепишда гол уришга ҳаракат қиласди.

Унда калла ишламайдими ёки гол уриш хоҳиши йўқми? Тушуниб бўлмайди: хоҳиши йўқ десанг — жон жаҳди билан югуради, хоҳиши бор десанг — яқин масофадан дарвозага тепгиси келмайди.

Санжар Турсунов эса ракиб дарвозасига 7-8 метрдан туриб, тўпни юкорига тепиб юборди. Қийшиқ тепганига ачинмади ҳам. Ҳеч нарса бўлмагандек югу-

## “ПАХТАКОР”ДА ЧИРОҚ ЎЧДИ...

Чирок ўчиши Ўзбекистоннинг чекка жойларида қандайдир “Пахтакор” жамоа хўжалиги ёки фермерлар уюшмасида эмас, мамлакат пойтахти Тошкентдаги “Пахтакор” марказий стадионида рўй берди.

Рўй берганда ҳам миллий чемпионат ёки Осиё чемпионлари лигаси ўйинларида эмас, Жаҳон чемпионатига чиқиш учун ўтказилган плей-офф ўйинида рўй берди.

Ўзбекистон-Иордания учрашувига тайёргарлик кўрган стадион раҳбарияти ва электриклари Ўзбекистонни бутун оламга “чирок воқеаси” билан “кўз-кўз” килишиб.

### “Стадионинггаям, стадионинг директоригаям!..”

Бу гаплар менини эмас, раҳматли Ҳожибой Тожибоевники. Агар у киши 10 сентябрь куни “Пахтакор”да содир бўлган “чирок воқеаси”га гувоҳ бўлганида, менимча, ўша гапларини яна тақорлаган бўларди.

Кечаги ўйин пайти “Пахтакор” стадиони матбуот ложасидаги журналистлар ўтириши керак бўлган ўриндикларда нотаниш, журналист бўлмаган кимсаларнинг муқим ўтиришларини, журналистларимизнинг эса ўйинни тик туриб томоша қилаётганини кўриб, раҳматли қизиқчининг гапларига ўхшатма қилгим кеди.

“Бу одамлар кимлар? Нега журналистларнинг жойини эгаллаб ўтиришибди?” – деб сўраганимда, ЎФФ матбуот маркази ходимларидан бири: “Ака, тссс! Булар вахимали идораларнинг вакиллари.

Улар хоҳлаган жойида ўтиришади. Уларни на сиз, на биз ва на Федерация раҳбарияти безовта қилолмайди.

Так что, тинчгина тик туриб кўраверинг ўйинни” – деб менга ўзбекона ва “оқилона” маслаҳат берди.

Гап қайси идора вакиллари хақида кетаётганини фаҳмлагандай бўлдим.

Шу нотаниш кимсаларнинг халқаро ўйинларда ҳар сафар пайдо бўлиши ва айнан журналистларнинг орасида ўтириб

лий тарбия кўрганман, ахир. Ахир, фикрларимни бирор, айниқса, “ваҳимали идоралар”нинг вакиллари эшитиб колса, мени вахимали ахволга солиб кўшишлари мумкин. Стадионларимизда халқаро ўйинлар пайти мунтазам соҳидир бўладиган бу ҳолат аслида давлат томонидан йўлга кўйилган “ҳамма ерга бурун ва кулоқ тикиш” ишларининг бир кўринишидир.

Эронга ютқазгандан кейин Абрамов бир кўнғироқ билан ишдан олиниб, ўрнига зудлик билан Қосимов тайинлангани – бурун тикиш ишларига мисол бўлса, пресс-ложага “нотаниш кимсалар”ни жойлаштириш – қулоқ тикишдан бошқа нарса эмас.

Ўзи “кулоқ”лар журналистларнинг ичиди ҳам тикилиб ётибди. Лекин “ваҳимали идоралар” “журнақулоқ”ларнинг “кулоқчилик” фанолиятидан қоникиш ҳосил қилмайдилар ёки уларга ишонмайдилар, шекилли, журналистларнинг ичига ҳар сафар ўзларининг “штатний” ходимларини ҳам сафарбар қиласди.

Профессионал идоралар “кулоқ”ларни ҳеч кимга сездирмасдан ва билдириласдан тикиштиришади, “ваҳимали идоралар” эса ҳаммага кўз-кўз қилиб, журналистлар учун мўлжалланган ўриндикларга жойлаб, тикиштиришади.

Бундай вазиятда “кутилмаган меҳмонлар”нинг ташрифидан чўчиган журналистлар пресс-ложада оғизларига маҳкам бўлиб ўтиришади.

### Профессионализм танқислиги

Ха, бизда профессионализм тобора танқислашиб бормоқда. 10 сентябрь куни ўтказилган Ўзбекистон-Иордания ўйинида бу ҳол ҳар томонлама намоён бўлди: пресс-ложага “нотаниш кимсалар”нинг жойлаштирилиши, чирок ўчиб қолиши, футболчиларимизнинг яқин масофалар ва қурай вазиятлардан гол ура олмаганликлари, ҳатто пенальти-ни эплаб тепмаганликлари ва ҳоказо.

Жасур Ҳасанов деган ўйинчи

риб кетаверди.

Темур Кападзе ҳар томонлама “ўлиб” бўлибди. Терма учун ўйнагиси келмайтганини ҳар бир вазиятда кўрсатди: тўпларга югурмади, пасларни ноаник ошириди, кўзида олов кўринмади.

Сервер эса бурчак тўпларини тепа олмай ҳаммани асабини бузди. Атиги 450 грамм оғирликдаги футбол тўпи нимжон Жепаровнинг оёқлари учун нақд 45 килограмм бўлиб туюлса керак.

Акс ҳолда 10 бурчак тўпидан камида 6 тасини футболнчиларнинг бел қисмига оширамиди?! Футболчи фақат нимжон бўлганда эмас, ўйнагиси келмаса ёки Жаҳон чемпионатига чиқишига ишонмаса ҳам, тўпни шундай оғир оширади.

Профессионализм танқислиги хоҳиш ва ишонч танқислиги билан туташиб кетди. Термамизнинг бир гурух футболнчилари Миржалол Қосимов кўли остида ўйнагилари келмаганини очиқдан-очик намоён қилишибди. Ўйнагилари келганларининг эса КОНМЕБОЛнинг бешинчи жамоасини ютишига ишончлари йўқ эди.

Ўзбекистон-Иордания ўйинидан олдинги матбуот анжуманига ташриф буюрган Амир Дириб деган футболчи ҳамкасларимиздан бирининг: “Нега охириг пайтларда Иордания термасининг ўйинлари чиқмаяпти? Кутилмаганда мураббий алмашгани учун шундай бўляптими?” – деган провокацион саволига ажойиб жавоб берди.

“Профессионал футболчи ва колаверса ватанпарвар инсон сифатида биз мураббий танламаймиз. Ўз юрти термасида ўйнайдиган футболчи бош мураббийнинг шаънини эмас, ўз ватанининг шаънини химоя қиласди”, — деди иорданиялик футболчи. Ўзининг аниқ ва ҳақжавоби билан араб ўйинчиси нафақат ватнапарварлигини, балки керакли китобларни кўп ўқишини кўрсатди.

Амир Дирибининг бу сўzlари китоб ўқимайдиган, саводсиз ва айрим саботажчи футболчиларимиз учун ўзига хос жавоб бўлди.

(Давоми кейинги саҳифада)

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

Иорданиялик футболчилар ўзларининг тарихий ғалабаларини қандай нишонлаганлари ҳам эътиборга лойик. Пенальтилар серияси тугаши биланоқ улар бутун жамоа бўлиб, қиблага қараб сажда қилишди ва эришилган ғалаба учун Яратганга ҳамдусано айтишди. Иорданияликларнинг кучи шунда эмасми?

## “ПАХТАКОР”ДА ЧИРОҚ ЎЧДИ...

Заифланган, 5-6 етакчисиз колган жамоанинг ўйин охиргача курашиши ва ўзидан анча кучли рақибни енгиши ҳар қандай тахсинга сазовордир. Иорданияликлар Ўзбекистон термасини кучли руҳият ва катта шижоат эвазигагина ютишди.

Бизнинг футболчилар эришган ғалабалари учун Яратганга сажда қилишганми ҳеч? Ёки улар, раҳматли Ҳожибой Тожибоев айтганидек, ютиша: “Ўзимиз ютдик!”, ютқазишса эса: “Об-ҳавонинг ноқулай келганлиги туфали...” – дейишадими? Ёки бундай ютуклардан кейин улар мақтовларнинг барчасини Яратган бир четда қолиб, Яраттанинг бандаларига айтишадими?

### Латта руҳият ва шилта шижсоат

Миржалол Қосимов истеъфога чиқишини маълум қилди. Абрамовдан колган футbolchilarни ортиқ ўйната олмаслигини тушуниб етди. Қосимовга раҳмим келяпти: ўзи футболчи сифатида чика олмаган Жаҳон чемпионатига шогирдларини олиб чиқмоқчи эди. Лекин шогирдлари Жаҳон чемпионатига чиқишини исташмади. Бечора Қосимов саботаж курбони бўлди.

Рақибга қарши тўп тепишига келганда латта руҳият намойиш этадиган айrim футbolchilar мураббий масаласида латталик қилишмади: мунтазамлик ва қатъиятлик намойиш қилиб, мураббийга қарши бор “имкониятлари”ни ишга солиши. Кечагина, яъни аввалги мураббий кўл остида шижоат билан тўп тепиб юрган футbolchilarning янги мураббий кўл остида бирдан “шижоатсизланиб” қолишиларини яна қандай тушуниш мумкин?

Бундай айирмачи ва саботажчи футbolchilarга терма, терманинг ортида турган Ватан ва ҳалқ керакмайди. Уларга мураббий керак! Ватан, ҳалқ ва муҳлислар уларни руҳлантиrmайди, уларни фақат мураббий руҳлантиради. Улар Яратганга эмас, мураббийга “сажда” қилишади.

Клубларида мураббийларидан тоннаб сўкишларни эшитадиган ва эшитганда ҳам мулла минган эшшакдай юрадиган юзиқалин футbolchilarimiz термага келганда нозик қалбли ва кўнгли гул, ор-номусли ва гурурли инсонларга айланниб, озгина даккидан таъсиранадиган бўлиб қолишиади. Бундай вазиятда улар

хушмуомала ва ширинсўз мураббийларни истаб қолишиади.

Кеча “Пахтакор” стадионига ийғилган бечора муҳлисларга, ҳалққа ачиниб кетдим: уларнинг орзу ва умидлари бир зумда саробга айланди. Ҳалқдан факат Миржалол Қосимов узр сўради. Футbolchilar-chi? Муҳлисларга, ҳалққа етказилган руҳий азоб учун футbolchilar узр сўрашдими? Йўқ, албатта. Улар ўз кучи шунда эмасми?

клубларига хотиржам равона бўлишди.

### Термани кимга топшириши керак?

Бизда футзал термасига хориждан малакали мураббий олиб келиш урфга кирган. Натижалар ёмон эмас. Лекин футбол бўйича миллий термага хориждан мураббий олиб келишга келгандা негадир одатда кўринмайдиган миллий гуруримиз ишга тушиб, “Хорижликларнинг ўзимизнинг мураббийлардан ортиқ жойи йўқ” – деймиз.

Гап йўқ. Шундай экан Қосимовнинг ўрнига ўзимиздан кимни тайинлаш мумкин? Менимча, бугунги вазиятда термани яна Вадим Абрамовга қайтариб берган яхшироқ. Иложи борича зудлик билан Карленовичга қайтариб бериш керак. Чунки ҳозирги терма аъзоларини ўзимизни мураббийлардан фақат шу инсон шижоатлантира ва ўйната олади. Футbolchilarning қалбига йўл топишини билади, уларни сўкмайди, урмайди. Терма аъзолари ҳам уни қайтишини исташади.

Шу сабабдан термани Вадим Абрамовга қайтариб бериш энг тўғри йўл бўлади. Кеча Ўзбекистон-Иордания учрашуви тугугач муҳлислар ҳам бироз вақтгача: “Абрамов! Абрамов!” – дея ҳайқириб, олдинги мураббийни қайtarishни талаб қилишди. ЎФФ раҳбарияти ушбу илтижоларга қулоқ солса, бас.

### Футбол чироги қачон ёнади?

10 сентябрь куни “Пахтакор” стадионида ўчган чироқ, 15-20 дакикалардан кейин яна ёнди. Аммо кечаги ўйнidan кейин ўзбек футболида сўнгган чироқ энди қачон ёнади? Яна тўрт йилдан кейинми? Термамизга нисбатан муҳлис ва ҳалқ иликлиги қачон қайтади?

ЎФФ мана шу масалалар устида кўпроқ бош қотириши керак. Факат билет тақсимоти ва сотуви ҳақида қайгуравермасдан, термага етарли шароитлар яратиб бериш, ўртоқлик учрашувларини ташкил қилиш каби бевосита вазифалар устида ҳам ишлаши керак.

Акс ҳолда, ўзбек футболида кеча, 10 сентябрь куни, ўчган чироқ ҳали бери ёнмайди. Акс ҳолда, ўзбек қишлоқларида чироқ ўчиши мунтазам бўлгани каби ўзбек фут болидаги чироқсизлик ва коронгулик ҳам доимийлик касб этади.

**Бобомурод АБДУЛЛА**

## АЙТСАМ...

Айтсан тилим куяр,  
айтмасам дилим,  
Гуробот қаърига ботмоқда элим.  
Яхшига ҳаёт йўқ, ёмонга ўлим,  
Айтсан тилим куяр,

айтмасам дилим.

Миллатлар ичиди миллатим дилгир,  
Болалари юпун, елкаси ягир,  
Сабру қаноатнинг чеки бор ахир,  
Дилингда неки бор, айт она ҳалқим!  
Айтсан тилим куяр,

айтмасам дилим.

\* \* \*

Назмнинг бўғзига санчилган қалам,  
Насрнинг бўйнига солинган сиртмоқ.  
Яна қайтиб келди тескари олам,  
Оқ нарса қорадир, қора нарса оқ.  
Шоирлар ўрмалар таҳтнинг поида,  
Носирлар амал деб йиртишар яқо.  
Хоким ҳам, етим ҳам ўша жойида,  
Пичоқча илниар йўқдир хеч вақо.

\* \* \*

## ТУЗУМ

Тузум нима, тузумда,  
У ҳам бир бош узумда.  
Шоир булсанг татиб кўр,  
Носирнинг ҳолини сўр.  
Тузум нима, тузумда,  
У бир шингил узумда.  
Яхши пишиша бой қилар,  
Хоми ҳолингвой қилар.  
Тузум нима, тузумда,  
У бир сават узумда.  
Эзид иссанг маст қилар,  
Иймонингга қасд қилар.  
Тузум нима, тузумда,  
У ҳам бир бош узумда.  
Еб кўрмасанг билмайсан,  
Назарингга илмайсан.  
Тузум нима, тузумда,  
Нима айб бор узумда.  
Яшайман, яшайман  
Айб ахтариб ўзимдан.  
Тузум нима, тузумда,  
Менинг ризқи рӯзимда.  
Хато кимда, ундалми?  
Ёки менинг ўзимда.

Қайси тузум бу тузум,  
Қайси узум бу узум?  
Чаросдек қарокўзим  
Сен ҳам ўйлаб кўр бир зум.  
Тузум бу бир бош узум,  
Гувоҳи бўлдим ўзим.  
Узумдайин эзилган  
Ҳалқимга берсин тўзим.  
Тузум нима, бир тизим  
Дорга осилган узум.  
Бир шингили Чўлтону,  
Бир шингили мен узум.

**Озодбек Элкезар**

## КИМГА КЕРАК ЭДИ БУ «СПЕКТАКЛЬ»?

2013 йилнинг 9-сентябрь куни маҳаллий вақт билан соат 16-00да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 7-мавзе, 50-йининг 44-хонадонида яшовчи фуқаро, ЎҲҲнинг фаол аъзоси Фахриддин Тиллаевни, Чилонзор тумани ИИБнинг ходими майор Илҳом Останокулов ва яна бир ИИБнинг вакили, “Чилонзор тумани Жиноий ишлар бўйича суди”га боришларига хакида хабар бериш учун ташриф буюришган.

ЎҲҲнинг фаол аъзоси Фахриддин Тиллаев, нимага асосланиб туман “жиноий ишлар бўйича суди”га бориш кераклиги, туман “жиноий суди” ва туман ИИБдан, “чакирав хати” олмаганлиги хамда уни шу ҳақда олдиндан хабардор килмагани тўғрисида тушунтириб беришларини улардан талаб қилган.

Худди шунингдек, адвокатга мурожаат қилишларини айтган. Шунда Чилонзор тумани ИИБнинг ходимлари “Сизга нисбатан ён кўшнингиз Юлия ўзига енгил тан жароҳати етқазилгани тўғрисида шикоят аризаси билан бизга мурожаат қилган эди. Биз шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКсининг 51-моддаси асосида “маъмур иш” яъни, ҳукукбузарлик содир этилган” деб, шу асосда сизга нисбатан “маъмур иш”ни кўриб чиқиш учун, Чилонзор тумани “Жиноий ишлар бўйича суди”га “протокол” киритганимиз” деб жавоб беришган. Фуқаро Фахриддин Тиллаев “Агар сизлар менга нисбатан “маъмур иш” очган бўлсангизлар, унда менга ўша Юлия исмли шаҳснинг шикоят аризаси ва менга нисбатан, Ўзбекистон Рес.МЖТКсининг 51-моддаси бўйича тузиленг “протокол”ни беринг ва у билан мен батафсил танишиб чиқиб, ўзимнинг шикоят аризаминни судга тақдим қиласай...” деб айтган бўлса-да, ИИБнинг ходимлари “Сиз судга борганингиздан сўнг, “маъмур иш” билан танишиб чиқасиз ва ўша ерда “протокол”га имзо чекасиз” деб айтган. Шунда фуқаро Ф.Тиллаев “Судга мен ҳеч қачон бормайман. Чунки, “маъмур иш” хақидаги “пролетарий” билан танишиб чиқмагунимча, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларига кўра, конун талабларига мувофиқ, “жабрланувчи” Юлия хонимни шикоят аризаси ва “протокол” хужжатларидан нусха олмагунимча судга бормайман”, деган.

Шундан сўнг, ИИБнинг ходимлари “Сиз соат 17-00гача, Чилонзор тумани “Жиноий ишлар бўйича суд” биносига тезда бормасангиз, унда суд ишингизни сизсиз кўриб чиқиши”ни иддаа килиб кетишиган...

Шунда Ф.Тиллаев гарчи, “маъмур иш” ноконуний бўлса-да, Чилонзор тумани “жиноий ишлар бўйича суди”га 9 сентябрь соат 17-00да ҳукук фаоллари Абдулла Тожибой ўғли ва Шухрат Рустамовлар билан бирга боргандар. Бирок суднинг иш вақти тугаган эди ва “2013 йил 10-сентябрь куни кечки вақт билан соат 17-00 да суд бўлади” деб айтишганди. Лекин 10 сентябрь куни “даъвогар” Юлия ва унинг турмуш ўртоғи Константин ва бир гуруҳ фуқаролар хамда “жавобгар” томондан Ф.Тиллаев, Ш.Рустамов, А.Тожибой ўғли ва Н.Жуманиязовлар судга келдилар. Суд “айрим сабабларга кўра” 2013 йилнинг 11 сентябрь куни соат 17-00га кўчирилди...

2013 йил 11 сентябрь куни Чилонзор тумани, “Жиноий ишлар бўйича суди”га ҳукук фаоллари: Ф.Тиллаев, А.Тожибой ўғли ва

Ш.Рустамовлар ташриф буюришган эди. Аммо судда, на “жабрланувчи” Юлия ва унинг турмуш ўртоғи Константин, на ИИБнинг ходими И.Останокуловлардан иборат шахслардан дарак бўлмади.

Шунда соат 17:30да ИИБнинг ходими И.Останокулов, “судга боролмаслиги ва ҳозирги вақтда мажлисида эканлиги” тўғрисида, Ф.Тиллаевга телефон қилган. Унинг кўл телефони +998933858565. Фуқаро Ф.Тиллаев Чилонзор туман “жиноий ишлар бўйича суди” биносини кўриклайтган “охраник”ларнинг журналига ўзининг судга келгани хакида фамилияси ва исми-шарифини ҳамда ўз шахснини тасдиқловчи паспорт хужжати орқали расмийлаштирган...

Шу ўринда савол тугилади. Хўш?! Кимга керак эди, бу “спектакль”?! Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси МЖТКсининг 36-моддасига кўра, “маъмур иш билан айбдор” деб топилган шахс ёки ҳукукбузар бир сутка давомида судга тортилиши керак ва унга нисбатан “маъмур иш” кўриб чиқилиб тегиши жазо кўлланиши керак эди.

Бирок Чилонзор тумани ИИБнинг ходими “жабрланувчи” Юлия исмли шаҳснинг аризаси 2013 йилнинг 25 август куни олинган бўлса, унда фуқаронинг аризаси юзасидан суриштрув иши олиб бориши керак эди.

Бу билан Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг “Мурожаатлари тўғрисида”ги қонунинг 26-моддаси ИИБнинг ходими тарафидан кўпол равишда бузилган. Фуқаро “жавобгар” Ф.Тиллаев Чилонзор туман ИИБга қарашли 349-сонли “милиция пункти”га ўз опасини хонадонига вақтингчалик “прописка” қилиш мақсадида, ИИБнинг ходими Илҳом Останокуловга учраганидан сўнг, ИИБнинг ходими “2013 йилнинг 23 август куни бўлиб ўтган воеа юзасидан жабрланувчи, Юлия шикоят аризаси бор” деб кейин айтган.

Шунда фуқаро Ф.Тиллаев, “шикоят ариза бўлса, унда беринг кўриб чиқай ва ўзимни тушунтириш хатимни сизга ёздириб қолай” деганда, ИИБ ходими И.Останокулов “судда кўрасиз ва танишиб чиқасиз” деб айтган... Энди ўзингиз ўйлан! Суд “маъмур иш”ни кўриб чиқмаган бўлса, ИИБнинг ходими ўзи тузиб чиқкан, “протокол”ни фуқаро Ф.Тиллаевга кўрсатмаган бўлса, унда бу “иш”ни ким кўриб чиқади? Бутунжаҳон “Орбитраж суди” кўриб чиқадими? Қани бу ерда “мантиқ”?

Агар кимда-ким мана шу тия гўшти “еган”, “маъмур иш” билан танишиб чиқмокчи бўлса, биз Чилонзор тумани ИИБнинг телефонларини берамиз: (8-371)273-12-75, уяли алоқа +99893385-85-65. Навбатчилик қисми: (8-371) 273-20-40, 278-58-40.

Фуқаро Ф.Тиллаев юқорида бўлиб ўтган воеа юзасидан Чилонзор тумани ИИБга, Чилонзор “Жиноий ишлар бўйича суди”га ва Чилонзор тумани прокуратуруларига мурожаат қилган.

Улар конунда белгиланган 10 кун муддат ичиди кўриб чиқмасалар ва фуқаро Ф.Тиллаевнинг аризасига ўз вақтида жавоб берилмаса, унда юқори турувчи органларга мурожаат килиши маълум бўлади. Шу кунгача Чилонзор тумани ИИБ органларига Фахриддин Тиллаев томонидан бир нечта мурожаати юборилган...

Мансуржон Фозилжонов

## Ўзбеклар ҳаёти сатрларда...

### МАНЗАРА

Булат тошиди. Водий осмонини  
Қоплаб олди хира кўланка.  
Ел оввора, нахуши хазонни  
Учиролмай бөгдан йулакка.

Хазон ётар ёёқ қотгандаи,  
Қўйвормайди уни қотган қон.  
Йиглаб турар жасажси болакай,  
Мотам тутар бунда Андижон.

\*\*\*

Куй дўстим тилларане  
шаробдан менга,  
Куйгин шонли улфат

кўрсатсан кучин.  
Ичай ерсиз қолган дехон ҳаққига  
Ва бугдой хирмонин соглиги учун.  
Ортиқча ҳеч нарса менга керакмас,  
Бошимга нур сочиб турса бас офтоб.  
Ўша заҳматкашим омон булса бас,  
Қаддафи турса бас узатиб шароб.

\*\*\*

Тингла, бу абадий садо бўлади,  
Баъзи бир шоурлар гадо бўлади.  
Писмиқланиб юрса шохлар пойида,  
Үртада мазлум халиқ адо бўлади.

\*\*\*

Юздан парда кетди, дилдан диёнат,  
Мехр ришиналари бир-бир узилди.  
Юракларни босди шубҳа, хиёнат,  
Ишонч кўприклири бузилди.

Етимлар хаккидан қўрқмайди бирор,  
Сўқмоққа айланаб кетмокда йўллар.  
Қиблагоҳлар осий, түшишганлар ёв,  
Ғазналарга ҷўзилди қўллар.

Болалар руҳига дунё деган дард  
Манманлик уругин жойлайди.

Ошиқлар боғларда маъшуғи эмас,  
Харом фоҳишалар ўйин пойлайди.  
Эллинг шоурлари палит инсон каби  
Амал деб бир бирин гажисб емодка.  
Минбарда янграйди

ҳаммомининг гапи,  
Андиша отини қўрқоқ қўймокда.  
Бу юртда энди яшаши шарт эмас,  
Нарх наво ортмоқда сиртмоққа,  
Барча аёлларни бичиб бўлишиди,  
Оналар зор бўлди тирноққа.

\*\*\*

Сарой сеникидир, югур энтикиб,  
Юзур Каримовнинг кароргоҳига.  
Мен эса ортингдан кўзимни юмиб,  
Лаънат дейман шундай шоур борига.  
Сарой сеникидир, толма севишдан,  
Юзур кўкрагингга медаллар тақиб.  
Мен эса галдаги қаҳратон қишидан  
Чиқсан бас ўчоққа тезаклар ёқиб.

## Ўзбеклар ҳаёти сатрларда...



### ЗАНЖИ БАНАНИ

Дунёда қутловлар бор  
бир биридан гўзал,  
Дунёда табриклар бор  
бир биридан эзгу.

Балки бу оламда  
топилмас ҳеч бир маҳал  
Она юрт қутловидан  
баландрок бирор туйгу.

Шу мўъжаз ҳаётимни  
эл юрга боғлабман то,

Бир занги боласидай унга  
эшман, тирикман.

Қаҳрабо тизимчанинг донаси каби гўё,  
Мустаҳкам шу қаторнинг  
тақдирига шерикман.

Тонг билан жаҳон бўйлаб  
Занжияна ўз сўзин устивор дўндирибди.  
Бетимсол талатўда

музаффару босабот  
Қамишили шяляпасин қиялаб қўндирибди.  
Миллион ийлилк сўз эрур

банан бизнинг лугатда.  
Жунглиларда бошланган

оналар тўлғоқ дарди.  
Мабодо ўсимликка забон битса агарда  
Банан нави энг аввал

занжича гапиради.  
Одатий, нурин сочар  
оламга ҳар кун қуёш,

Багрида не синоат,  
сигмайди тасаввурга.  
Шу бир дона банан ҳам

зоҳирян маъсум, ювоши  
Ва лекин заҳматлари  
сигмас онгу шуурга.

Дунёда инсонлар бор майда  
бир армон сабаб

Бир бирин ёқавайрон,  
тупроққа қоришади.  
Оламнинг қорнин тўклиши,

зангила шудир матлаб.  
Шу армон деб чўнг халқим  
пальмага тирмашади.

Бизнинг уйган хирмонга  
чамбар қўлсанг чечакдан  
Юлдузлар хуморадай бўлади унга инжу.

Боласи уйда қолган  
бичилган келинчакдан  
Хезалак эркаккача

барчанинг меҳнати бу.  
Халқим, сенсан элларга  
тўкин дастурхон тузган,

Невъматинг ўзингга ҳам  
барқарор бўлсин дейман.  
Уйган бу хирмонинг ҳам

тиланиб қўлин чўзган  
Эл кезган гадойингга  
бир мадор бўлсин дейман.

Озодбек Элкезар

## ҚУЛЛИК БИЛАН ЖАЗОЛАШ (1-ҚИСМ)



### Қуллик ва меҳнат мухожирлари

Кул ва қулдорлик нима? Бир инсон иккинчи инсоннинг мулкига айлантирилган бўлса, биринчи инсон – қул, иккинчиси – қулдор, дейилади. Кул ҳам одамлар қатори ейди, ичади, ухлайди, ишлайди. Ҳатто уйланиши ва бола-чака орттириши мумкин. Кул факат қулдор учун ишлайди. Моддий манфаатдорлиги (ебичишдан ташқари) ёйук, ёки номига. Кул ҳеч қачон ўзининг меҳнатига яраша (эквивалент) ҳақ олмайди. Инсон сифатида қулнинг юкорида айтилган хукуклари ёйук, ёки минимумга келтирилгандир. Қулдор кулини бошқа хукуклари сотиши мумкин. Икки хил қулликни бир-биридан фарқлаш кепак: инсонни инсон томонидан қул қилиниши ва инсонни давлат томонидан қулқилиниши. Қулликнинг биринчи типи одамлар қабила-қабила бўлиб яшаган замонларга бориб тақалади. Бир қабила иккинчисини урушда енгса, асиirlар кул қилинган. Мустамлакачилик урушлари даврида миллионлаб одамлар кул қилиниб сотилган. Мас., европаликлар Африкани ишғол қилишганда қоратанлиларни қул бозорларида АҚШга сотишган, шу сабабли бу давлат дунёда энг катта қулдорчилик худуди бўлган.

Россия, Украина ва Қозогистонда миллионлаб меҳнат мухожир (ММ)лари ишлайди. Уларнинг кичик бир қисми ҳақиқий қул, яъни барча хукукларидан маҳрум этилган қул сифатида ишлатилаётгани ҳақида маълумотлар чиқиб туради. Катта қисми ишлаганига ҳақ олади, бироқ олаётган ҳақи асл ҳақнинг борса ярмига тенг бўлиши мумкин. Мас., ММ иш берувчи билан тузган (офзаки ёки ёзма) шартномада ММнинг ҳақи ойига 40.000 рубль (гривень, тенге) бўлса, иш берувчи ММга 17.000 рубль (гривень, тенге) бериши мумкин, холос. ММда ўз ҳақини тўлиқ

олиши учун ҳеч қандай хукуқ ва имконият йўқ. Ишловчи ҳақни тўлиқ берилишини талаб қиласа, иш берувчи уни ишдан хайдаб юбориши ҳеч гап эмас. Сиёсий системаси коррупциялашган давлатларда бу одатий ҳолдир: иш берувчи тегишли идораларга пора бериш эвазига ҳамма вакт ҳақ бўлиб чиқаверади.

Қулликнинг иккинчи типи, яъни давлат қулдорлиги, биринчи типдаги қулдорликдан тубдан фарқ қиласи. Куйида биз уни ҳам мухокама киласиз ва мисоллар келтирамиз.

### Қуллик ва муҳолифат

Кўпчилик билса керак, Россияда иккита типда муҳолифат бор: бирини “тизими мухолифат” (системная оппозиция), иккинчисини эса “нотизими мухолифат” (внесистемная оппозиция) дейишади. Биринчисига, мас., Давлат Думасида ўзларининг фракциясига эга бўлган “Россия Либерал-демократик партияси” (раҳбари В.Жириновский), “Россия Федерацияси коммунистик партияси” (раҳбари Г.Зюганов) ва “Адолатли Россия” партияси (раҳбари С.Миронов) киради. Бу партиялар сиёсий тизим ичida яратилган, муҳолифат ролини кўзбўймачилик учун ўйнайдиган кўғирчоқ партиялардир.

Ўзбекистонда ҳам шу типли партиялар бор – улар тўртта: “Адолат социал-демократик партияси”, “Миллий тикланиш партияси”, “Халқ демократик партияси” ва “Фидокорлар миллий демократик партияси”. Мазкур партияларнинг Ўзбекистон Олий Мажлисида ўзларининг кўғирчоқ фракциялари бор. Бироқ Россияда сиёсий тузумнинг бирорта организга кирмаган, яъни нотизими мухолифат ҳам бор [мас., “Россия Республика партияси – халқ эркинлиги партияси”- (қисқартирилган номи “РПР-ПАРНАС”), “Яблоко партияси” ва б.] ва улар очиқ фаолият олиб боришиади. Ўзбекистонда нотизими мухолифат кучлар бўлса-да, улар мамлакат ичida очиқ фаолият олиб боришиларига хукумат қаттиқ тўсик қўйган.

Россия Федерациясининг тарихида биринчи марта нотизими мухолифат вакили Алексей Навальный Москва шаҳар мэри лавозимига 8 сентябрда ўтказиладиган сайловда иштирок этди. Бу лавозимга яна “Яблоко”дан битта ва тизими мухолифатдан тўртта номзод ҳам қўйилган.

(Давоми кейинги саҳифада)

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

Хозирги кунда номзодлар Москва аҳолисини ўз дастурлари билан танишиши учун ташвиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Муҳокама килинаётган асосий масалаларнинг бири - бўлажак мэрнинг меҳнат муҳожирлари масаласини қандай ечишига қаратилган. А.Навальний: “Мен мэр этиб сайлансан, Марказий Осиё минтақасидан келаётган меҳнат муҳожирлари учун виза жорий қилишга эришишга харакат қиласман” деб балога қолиб кетди. Уни одамлар “фашист” дейишгача боришиди. Бир қарашда ҳакиқатан ҳам А.Навальний Марказий Осиёлик меҳнат муҳожирлари олдига улкан тўсиқ кўяётгандай кўринади. Аслида ундан эмас!

2013 йил 28 август куни, Ўзбекистон мустақиллигининг 22-чи марта тантанали нишонлаш кунидан 4 кун олдин мен [www.ej.ru](http://www.ej.ru) сайтида Виктор Давидовнинг “Куллик билан жазолаш” (НАКАЗАНИЕ РАБСТВОМ) номли мақоласини ўқиб қолдим. У мақоласида А.Навальний: “Россияга кулдорлик тузуми қайтиб келмоқда. Меҳнат муҳожирларининг катта қисми ҳақсиз-хукуқсиз қулга айлантирилган. Биз бунга йўл кўймаймиз. Бунинг ягона чораси Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия орасида визали борди-келди ташкил қилишдир, чунки фақат шу ҳолдагина Россия тадбиркорлари, мулозимлари ва хукumat идоралари меҳнат муҳожирларини кул ҳолатига тушира олмайди”, деб ўз позициясини очиқлади, деб ёзади. Мен ҳам мақоламни “Куллик билан жазолаш” деб атадим ва уни Каримов бошқараётган Ўзбекистонга бағишладим.

**Кулдорликнинг Россиядаги тарихидан қисқача маълумот**

Мақолани давом эттириш учун Россияда кулликка қарши қачон ва қандай кураш олиб борилгани ҳакида қисқача тўхталишга тўғри келади. Крепостнойлик хукуқи Россияда подшоҳ Фёдор Иоаннович замонида қабул қилинган. “Крепость” сўзини русчадан ўзбек тилига “мустаҳкамлик” каби таржима қилиш мумкин. Маъноси нима? Мазкур хукуқ киритилишидан илгари помешчик (заминдор, катта ер эгаси) дан ер майдонини ижарага олиб ишлаган одам йил охирида шартнома шартларини тўлаб бўлгандан кейин бу помешчик ерини ташлаб, хоҳласа бошқа помешчик ихтиёрига ўтиб кетиши мумкин бўлган. Крепостной-

лик хукуқи жорий этилгандан кейин дехқон “ўз” помешчигининг ерини ташлаб бошқа помешчик ихтиёрига ўтиб кетиши хукуқидан маҳрум этилган, яъни дехқон умрининг охиригача битта помешчик ерида ишлашга мажбур қилинган (помешчикнинг қули). Бошқача айтганда, дехқон битта помешчикка мустахкам боғлаб кўйилган. Табиий, бу ҳолат кулликнинг бир кўринишидир.

Гарчи крепостнойлик хукуқи 1871 йили бекор қилинган бўлса-да, бироқ Россиянинг яхудий аҳолиси яшаган жойидан бошқа худудларга кўчиб кетмаслиги 1917 йилгача сақланган. Бу ҳам кулликнинг бошқа бир шаклидир, яъни Россияда аҳолининг бир қисми куллик ҳолатида қолаверган (давлатнинг қули).

1917-1932 йиллар оралиғида Россия (СССР)да расман куллик бўлмаган, дейиш мумкин. 1932 йилда эса СССРда паспорт режими жорий қилинди, бироқ мамлакатнинг барча қишлоқ аҳолисига, яъни бутун аҳолининг энг катта қисмiga паспорт берилмади. Паспортсиз СССР худудида юриш таъқиқлангани учун мамлакатда кулликнинг янги шакли вужудга келди (бу ҳам давлатнинг қули мақомида). Қишлоқ жойларидаги фуқароларга паспорт бермаслик аста-секинлик билан камайтирилишига қарамасдан давлат кулликнинг бу шакли 1989 йилгача давом этди.

СССР парчалангандан кейин-чи? Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) фуқароларига Россияга визасиз киришга руҳсат берилди, бироқ уларга бу мамлакатда ишлаш хукуки берилмади. Бу – фақат Россияда эмас, Ўзбекистонда ҳам шу: МДҲ давлатларидан Ўзбекистонга бирор одам келса, унинг мамлакатимизда ишлашга хукуки йўқ.

**Қисқа ва узоқ муддатли қуллик**

Кулликнинг икки шакли: инсон инсоннинг кўлида қул бўлиши ва инсоннинг давлат кўлида қул бўлиши, асосийдир.

Биринчи ҳолда қуллик қисқа муддатли ҳам, узоқ муддатли бўлиши ҳам мумкин. Қисқа ва узоқ муддатли кулликка мисол. 1995 йил Жиззахда мен колхоздан икки гектар ер олиб дехқончилик қилдим. Менинг еримдан 500 м. нарида 03195 рақамли харбий қисм бор эди. Аскарларнинг кийими абгор ахволда, кўпчилиги ҳар хил кийинган, бирининг оёғида йиртиқ этик бўлса, бошқаси эски ботинка кийган бўларди. Ҳатто калиш кийиб юрган аскарларни кўрганман. Аскарларга овқат берилмаган кунлар

кўп бўлишини уларнинг ўзидан эшитганман. Ҳарбий қисмга яқин масофа-да Аршли ва Тоқчилик қишлоқлари бўлиб, у ерли одамлар аскарларни командирдан “сотиб олардилар” ва уларни уйларига олиб кетишиб муттасил ишлатиб юришар эди. Бундай оилалар кўп бўлиб, аскарларнинг иш ҳақи – қорин тўйғазишдан иборат бўлган, холос.

Боласини кўргани бошқа вилоятлардан келган ота-оналар болаларини ҳарбий қисмдан топа олмай бир неча кун қишлоқма-қишлоқ излаб юришганига гувоҳ бўлганман. Бу – ҳам инсонни инсон томонидан, ҳам инсонни давлат томонидан кулликка солишига классик мисолдир. Давлат йигитларни ота-онасининг бағридан тортиб олиб давлат учун ҳарбий хизматга олиб келган. Бироқ ҳарбий қисмда команлир (давлат мулозими) аскарга қулга қарагандай муомала қиласди: янги ҳарбий усти-боши йўқ, еб-ичиши ҳаминқадар, командир аскарларни маҳаллий аҳолига “сотади” (пуллайди), аскар бегона одамлар қўлида қулсифат ишлашга мажбур қилинади. Аскар давлат Конституциясида кўрсатилган асосий хукукларидан маҳрум қилинган, у ўзини давлат мустабидлигидан химоя кила олмайди.

**Ўзбекистонда қулликни шакллантиришида И.Каримовнинг роли**

Ислом Каримовнинг давлат тегасига келганда қўйган биринчи қадами ҳалқни қулликда ушлаб туриш учун иккита кучишилатар тизим – Милиция ва Миллӣ Хавфсизлик Хизматини шакллантириди.

Илгари замонларда катта кулдорлар кулларни ишлатиш ва “қўриқлаш”, яъни қочишнинг олдини олиш учун қуролланган қўриқчилар ёллаган.

Ўзбекистоннинг айтилган иккитизими учун мамлакат қонунчилик органи Олий Мажлис шу кунгача қонун қабул қилган эмас, яъни бу икки тизимнинг фаолияти қонунчилик майдонидан ташқарида, яъни ноконунийдир.

Ўзбекистон милицияси ва МХХси хукукий нуқтаи-назаридан катта кулдор ёллаган қўриқчилардан ҳеч қандай фарқ қилмайди.

Бири (МХХ) одамларни пойлайди, жамият ичидан одамларни пойлайдиган хуфъялар ёллади, қўрқитади, улар ҳакида маълумот йигади, жазолайди, ўлдиради, иккинччиси (милиция) эса ярим очиқ-ярим ёпиқ ишлади, уйма-уй, маҳаллама-

**(Давоми кейинги саҳифада)**

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

маҳалла, кўчама-кўча юради, одам жойидами-йўқми (кочиб кетмадими, мақсади нима?) текширади, истаган пайтда, истаган одамни ушлаб олиб кетади, қўрқитади, хақоратлади, калтаклади, қамайди, ўлдиради!

Қулдор ёллаган сокчилар кўлида қамчи, камарида тўппонча, оғзида сигара тутатган ҳолда плантацияларда икки букилиб ишлаётган кулларни назорат қилишса, Ўзбекистон милицияси ва хавфсизлик хизмати ходимлари бутун мамлакатни ипидан игнисигача назорат қилишади.

Фарқ сонда, сифат эса бир хил: плантатор ёллаган кўриқчилар 50 кулни назорат қилишса, милиция ва МХХчилар мамлакатнинг 25.000.000 фуқаросини кузатади.

**ОВИР – Ўзбекистонда  
кулликнинг дастлабки кўриниши**

Чиқиш визаси ва қайд этиш бўлими (ОВИР) халқнинг йўлига ташланган жиҳдий чекловдир ва у тўлиқ МХХ ихтиёрига топширилган. Бундай чеклов яқингача дунёда фақат тўртта давлатта бўлган, холос: Шимолий Куря, Непал, Куба ва Ўзбекистон.

Мамлакатимизнинг шерикларига қаранг! Кубадай авторитар режимли давлат жорий йилнинг бошида ОВИРни бекор қилди. Бу чеклов мамлакатимизнинг миллионлаб фуқароларини чет элларга эркин бориб келишига йўл қўймайди, у давлатга нақадар “самарали” хизмат килаётганини халқ яхши билади.

Мазкур чеклов биринчи навбатда мамлакат иқтисодига ва, демак, аҳоли турмуш даражасига давлат томонидан берилаётган асосий зарбадардан биридир. ОВИР туфайли халқ манфаатига берилаётган зарба ягона эмас.

Қулдор қулининг “кўзи очил маслиги учун” уни тамоман исканжга (изоляция)да саклаган – кул хеч қаёқка бора олмаган, эркин оламни кўрмаган, у ётадиган жойини ва ишлайдиган ерини кўрган, холос.

Ўзбекистон халқининг аксар катта қисми ҳам шундай! Изоляцияга тушиб колган халқ ривожланмайди. Ҳукумат “қулдорлари” эркин ҳаётни халқнинг канча катта қисми кўрмаса бизнинг хавфсизлигимиз учун шунча яхши, деб ўлашади. Бу – халқ онгига берилаётган маънавий зарбадир. У иқтисодга берилаётган зарбадан ҳам катта.

*(Давоми бор)  
Толиб Ёқубов  
jarayon.com*



Эндиликда ишсиз қолган, 28ёшдаги Нукуслик фермернинг, Ўзбекистон суд аддия тизимидан қаттиқ хафсаласи пир бўлди.

## ЎЗБЕКИСТОНДА «ХАЛҚ ДУШМАНИ»ГА АЙЛАНИШ ОСОН

**Қорақалпоқ фермери Олламурод Аметов ҳокимлик фонди учун  
гектар бошидан бир тонна гуруч бермагани учун  
хўжалигидан ажралди ва судланди**

«Мана тўрт йилдирки барча идораларга — Бош прокурорга, МХХ раисига, Олий суд раисига, аддия вазирлигига катнайман, бироқ бефойда», — дейди Аметов.

Унинг сўзларига кўра, унинг элликча шикоят аризаларининг ҳаммаси Қорақалпоғистон прокуратурасига қайтарилган, у ердан эса одатий жавобларни олган.

### Айбизиз айбдор...

Аметов 2005 йили, тендер орқали 11,2 гектар ерни ютиб чиқиб фермер бўлган. Йигитнинг айтишича, аввалига омад унга кулиб боқди — унинг «Калниёз мироб» хўжалигига ускуналар сотиб олинди, олтига оила иш билан таъминланди, хеч кимнинг олдида қарзи йўқ эди, олган даромадидан қишлоқдаги «Гулшан» болалар боғчасига ҳомийлик ёрдами ажратиб келди.

Муаммолар, 2009 йили Аметов шоли экди, маҳаллий ҳукумат ҳар гектаридан Нукус тумани ҳокимлик фонди учун бир тонна топширишни талаб қила бошлашди.

«Мен шартнома бўлмагани учун ноҳақ талабни бажаришни рад этдим, шундан сўнг ҳокимлик амалдорларининг менга қарши тазиқлари бошланди», — дейди у.

Бунга жавобан Нукус тумани ҳокими Ергали Сейтназаров 2009 йилнинг декабрида «Калниёз мироб» фаолиятини тутиши ҳакида қарор чиқарди.

Ҳокимнинг расмий баҳонаси фермер хўжалигига экин ерларининг етишмаслиги, унинг бор йўғи 6,5 гектарни ташкил этгани билан изоҳланади.

Аметов хўжатларни кўтариб Сейтназаров қабулига чиқади, бунда унинг экин майдони 10,2 гектар экани кўрсатилган, бироқ ҳоким уни уят сўз билан хақоратлаб кабинетидан қувиб чиқарган.

Ҳакоратланган фермернинг 2010 йили прокуратурага ёзган кўплаб шикоят аризалари ижобий натижада беради — бир неча бор қайта ўлчовлардан кейин ҳокимнинг қарори прокурор протести билан ноконуний деб топилиб, бекор қилинади.

Натижада ҳоким Аметовга унинг участкасини қайтариб беришга рози бўлади, бироқ бир шарт билан, у «Калниёз Мироб» ери аллақачон ўтказиб юборилган «Репназаров Тўлқин» фермер хўжалигининг тўқиз миллионлик кредитини тўлайди.

Аметов мутлақо рад қиласи, ҳоким бунга жавобан фермерни ер ажратилиши тўғрисидаги қарорни қалбакилаштиришда айблайди.

Шундан кейин Аметов тағин прокуратура кабинетига қатновини давом эттиради, бироқ эндиликда Жиноят кодексининг 228 моддаси «а» ва «б» қисмлари бўйича ҳужжат, муҳр, бланкларни қалбакилаштириш, уларни сотиш ёки хавфли рецидивистлар гурухи билан кўшилиб ишлатишда айбланди.

Шунингдек, хўжатлардаги ракамларни атай қалбакилаштиргани учун, прокуратура протести билан тағин ер майдонидан ажралади.

### Президентнинг муносабати

«Терғовчилар, ишнинг «буюртма» эканини яширишмади, амнистияга рози бўлишга ундашди, кўплаб судьялар эса бу ишни олишдан бош тортишди», — дейди Аметов.

Бироқ ёш фермер катъиятли туриб берди, натижада унга тағин иккита моддани – 167 (камомад ёки ўзлаштириш йўли билан ўғирлик), 168 (Фирибгарлик), 205 (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суюистеъмол қилиш) ва 209 (Мансаб подлоги).

Иш абсурдгача бориб етди — мансабан, Қорақалпоғистон прокуратураси 2011 йили Микрокредитбанка зиён етказиши ҳакида ишни «тахлади», банк вакили эса судда Аметовга хеч кандай эътирози йўқлигини билдириди.

Бироқ Қорақалпоғистон Хўжайли туман суди барибир ҳукмда Аметовни айбдор деб топди ва унга 16 миллион сўмлик жарима ёзди, бироқ шу заҳоти «келтирилган зарар тўланган» деб топиб, амнистияга тушириди.

Якинда Аметов ўз кечиргандарини батаси ёзиб президент Ислом Каримовга ариза жўнатди. Албатта, Каримовга бу мактублар етиб бормайди. Боргандা ҳам хеч кандай ўзгариш бўйласлиги аниқ. Сабаби, балиқ-бошидан, дейишади ку...

**ЎҲХ хабар маркази**

(Давоми. Боши олдинги сонда)  
Нега А. Малашенко Ўзбекистондаги норозилик салоҳияти «псевдо-демократик (ёки квазидемократик деса яхшироқ бўларди) фигуранлар, тузилмалар ва ҳатто ақидапарастлар устунлик қиласиган» курашга айланниб кетади, деб ҳисоблайди? Ва ниҳоят, профессор қуидаги хуласага келади: «Менинг ўйлашимча, ҳамма нарса қизгиш инқилоблар эмас, мусулмон-византия йўли билан ҳал бўлади».

либ чиқади. Бу хато А. Малашенконинг гўёёни Ғарб Марказий Осиёда (албатта Ўзбекистонда ҳам) демократияни ўрнатмоқда деган тезисга ишонишга майли борлигидан иборат. Бу нарсада собиқ Совет худудидаги сиёсий технология сифатидаги антиамериканизм хиди анқиб турмаса ҳам, Ғарб билан АҚШ демократияни куч билан ўрнатишга интилаётгани ҳакидаги Россияда эълон қилинаётган мақолалар билан ҳамоҳангдир. Шу ерда тошкентлик

гапираётиб, ундаги инсонпарвар зиёли шахсининг ундаги прагматик сиёсатчи шахсига енгилиши ҳақидаги таъкиди умуман ақлга сифмайдиган иш. Санъат одами сиёсатда радикал бўлиши мумкин эмас. Мухолифатчининг тинч инқилобга қафириши унинг мавжуд режимга қарши курашда конун доирасидан чиқмаслик тарафдори эканини кўрсатиб турибди.

«Менинг фикримча, - деган эди М. Солих ўзининг 2005 йилнинг 19 январ куни ўқиган нутқида, - Каримов мисолида бу режим ўзини қайта қуришга нокобил экани, уларнинг ўзгартирилиши лозимлигини кўрсатди. Дипломатик ўйин ўйнаб, бундай режимларни чала жазолаш мумкин эмас. Демократик давлатда қотиллик юз берганда қотилни чалаярим жазоламайдилар. Бу хукукий норма давлат қотиллариға нисбатан ҳам кўлланилиши керак, деб ўйлайман».

Кучли ва қатъий айтилган, аммо тўғри гап.

И. Каримов раҳбарлигидаги ҳокимият мухолифат билан диалог қуриб, келишув жараёнининг тинч йўли билан бормайди. Режим боши берк кўчага кирди. Бу ночор ҳолатнинг сабабларидан бири сифатида ҳалқаро изоляцияни айтиш мумкин. Нима, ҳаммаси ўтиб кетишини, ҳозирги раҳбарлар ва элитанинг алмашини кутиб ўтиравериш керакми? Албатта, йўқ. Нимага режимни кетишига мажбур қилиш учун Ғарбнинг ёрдамини инкор қилишимиз керак? Наҳотки М. Солихнинг 19 ва 20 январ кунлари ўқиган нутқларидаги мақсадларида деструктивлик бўлса?

«Эрк» партияси лидери платформасини қўллаётган тарафдорлар демократияни қон тўкиш орқали қўришни назарда тутмаяптилар. Бу ўринда мухолифатнинг идеологик вазифаларидан бири жамоатчиликнинг «бахмал инқилобни» ҳақорат сифатида қабул қилмаслигига эришиш, оммани инқилобий ўзгаришларнинг Бастилияни, Қишки саройни олиш, Аминни қулатиш билан баравар эмаслигини тушунтириш. Одамларнинг кўзини очиш, фундаментал, яъни инқилобий ўзгаришларни амалга оширишни ҳокимиятнинг ўзи ҳам истаётгани ҳақидаги афсоналаридан кутказиш керак. Биз буни охирги 15 йил давомида ўтиб келяпмиз. Ахир ҳар бир ўзбекистонлик атрофига бокиб, «ислоҳотчи давлат»нинг хўжа кўрсинга ўтказган ислоҳотлари натижаларини кўрмоқда. Ҳақиқатан, «... уларнинг меваларига қараб уларни таниб оласиз». (Матто Инжили 7:20).

сиёсатшунос Фарход Толиповнинг ишидан парча келтириш ўринли бўлса керак. «Антиамерика кайфияти кучаймаётир. Бу нарса фақат эски, кетаётган элита ва иқтисодий, сиёсий доиралар орасида ўсмоқдаки, улар учун ўз мавқеларини сақлаб қолиши демократик келажакка қарагандা афзалроқдир. (Қ.: Ф. Толипов. Антиамериканизм собиқ Совет кенглигидаги сиёсий технология сифатида. I-қисм. www.apn.kz, 23.01.06).

4. Ва ниҳоят, М. Солихнинг юқорида аталган икки нутқига Аждар Куртов якупловчи жавоб ёзмоқда. Мен унинг чиқишида қуидаги нарсага эътиборни қаратган бўлардим. Биринчидан, хукуқшунос ва сиёсатшунос назаримда А. Малашенконинг Каримов режимининг душманлари сўзсиз ақидапарастлар билан иттифоқ тузишга шошиладилар, деган позициясини такрорлаётгандай.

«Россия фуқароси ва Марказий Осиёга бегона бўлмаган одам сифатида бу либерал ўзбек мухолифат сиёсий курашнинг зарур пайтида ҳокимиятни эгаллаб олишини истамас эдим, деб ёзади А. Куртов. Унинг позицияси кишини ҳайратга солади. Вақтдан фойдаланиб мен, «Хўш, унда мана шу либерал мухолифат нима қилсин?» деган саволни беришни истардим.

Гўёёни совет давридан кейин мана шундай либерал ижодий зиёлилар орасидан чиқсан вакиллар сиёсий ҳокимиятнинг юқори погоналарига кўтарилаётган, ўзлари бошқараётган давлатни ёмон ахволга солиб кўйганига мисоллар борлиги туфайли ўзбек мухолифати лидеридан шубҳа қилиниши менда фақат таасуф уйғотади.

Бу жиддий далил эмас, бир вазиятни бошқа мамлакатдаги вазиятга қиёслаб хулоса чиқариш ҳам нотўғри. Куртовнинг Солих ҳақида

## ЖАМИЯТШУНОС БАҲОДИР МУСАЕВ: «ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ЭНДИ ОРТГА КЕТИШНИ ИСТАМАЙДИЛАР»

«Мусулмон-Византия» деган иборага эътибор беришингизни сўрайман. Бошқача айтганда, олим норозиликнинг биргина шаклини мутлоқлаштириб, кураш усулларидаги муқобиллик эҳтимолидан кўз юммоқда.


А. Малашенко ҳозир Ўзбекистонда кишилар онгода инқилоб юз бераётганини назарий маънода ҳам тан олишини истамаяпти. Норозилик ва унинг оқибатларини сунъий равишда биргина нарса – ислом инқилобига олиб келиб тақаш мумкин эмас. Шунингдек, инқилобда ислом омили ҳакида гапирад экан, исломнинг табиатига кўра радикал эканлиги каби бемаъни хуласага олиб келмаслик керак.

Малашенконинг бундай деб ўйламаслигини биламан. Менга бу унинг мақолалари ва бошқа ишлари орқали яхши маълум. Интервю матнида биз умуман бошқа нарсани қўрамиз. Бу ерда рус тадқиқотчиси Ўзбекистонда норозилик иштирокчилари албатта ақидапарастлар ёрдамига шошиладилар, деган фикрни постулат сифатида бермоқда. Ўзбекистондаги Ислом радикал эмиш. Тарихчи ва исломшуносга биздаги исломнинг ҳанафийлар йўналишида эканини мен эслатсан тўғри бўлмаса керак. Радикал дейиш Исломни ҳакорат қиласи. Балки, истамаган ҳолда, А. Малашенко Ислом динининг замонавий дунёдаги ролини пастга урмоқда.

Бундай мантиқий хуласалар етарли даражада далиллар билан мустаҳкамланмагани сиёсатшунос учун кечириб бўлмас ҳол. Назаримда олим инқилобларнинг тинч ва «бахмал» эмас, балки фақат «бахмал» бўлиши мумкинлиги, ҳамда, фақат диктатор Каримовнинг «тинч» йўл билан қулатишга олиб боришини «исботлаш» истагига берилиб кетган. Бундан яна бошқа хато ке-

(Давоми. Боши ўтган сонда)

## ЗЕХН (ОНГ) НАЗОРАТИ



Бу ритмлар воситасида девор орқасида ги нарсалар ёки бада идаги хужайраларни кўриш, кадимий тил ва билгиларни кўринмас мавжудотлардан ўрганиш, ўлганларнинг

руҳи билан сухбарлашиш, ДНК ни ўзгартириш, бошқа сайёralарга саёҳат қилишга эришиш мумкин. Бу жоҳил кишиларга жуда жозибали куриниши мумкин. Аммо бу инсонни телбалик жиннилик ва бошқа руҳий фалокатларга олиб борувчи бир сўқмоқдир.

**Бинаурал** фаоллашув оқимининг энг қўрқинчли тарафи рақамли(дижитал) бир овоз файли (доссеси- овозга доир хужжатлар) бўлганлиги сабабли уни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва бўлиштириш ҳар қандай бир жойда ва ҳар қандай бир жихоз ёрдамида амалга оширилиши мумкин бўлмоқда.

Гарб давлатларида, айниқса Америкада, кўп йиллардан бери "Шахс тақоммилининг янги системаси" буйича эстрада и кино юлдузлари, спортчилар, иш одамлари, сиёсатчилар "Бинаурал фаоллашув" тажрибадан ўтказилади. Бу система тарбиясини олганлар ичидаги Майкл Жексон, Мадонна, Леди Гага каби эстраданинг ёрқин юлдузларини кўриш мумкин.

"Хақиқий Ҳаёт Ҳикояси" номли китобида Кети О'Брайен исмли кино юлдузи бошидан кечиргандарини ўз тилидан баён этган:

Зехн Назорати остида ўз эркин иродамни, ақлимни бошқариш қобилиятимни йўқотдим. Оқибатда, қандай савол беришни ёки жавобни англашни, онгли равишида бирор нарсанни фаҳмлай олишни билмай қолдим. Факат буйруқни бажарардим холос.

Иштирокэтишга мажбур бўлганим порнография тобора шиддатланиб, садо-мазохизм қўйноқларига (SM) айланганда, жисмоний ва психолого-травмалар: уйқу, егулик ва сувдан маҳрум этиш, юқори даражадаги электр шоки ва маълум хотира бўйлимлари ёки шахсиятимни гипнотик ва бошқа турли дастурладилар. Устимда жуда кўп галлюциноген ва

стимулятор моддалар синаб кўрилди. Бошдан кечиргандаримни ҳеч кимга айттолмасдим, чунки, М. Монро инсонлар кўзи олдида ўлдирилганда ва унга ҳам нима бўлганини ҳеч ким билмаганди...

Жуда кўп таникли сиёсатчилар, агент ва бошқа одамлар билан фоҳишилик қилишга мажбур бўлдим. Уларга яна-да яхшироқ хизмат қила олиш учун бир қанча секс фильми ҳам олинди. Мени наркотик куръерлигига ҳам ишлатишиди.

Ўзим ҳам наркотик қўлланадиган бўлдим. Сатанизм ибодатларига қатнашишга мажбур этилдим. Бонгема клубларида эса мени илонлар ва бошқа ўргатилган ҳайвонлар билан бирга учбурчак шаклида гишиша фонусга кўп марта қамаб кўйишганлар"...

Зехниятни ўзгартириш, хатти-харакатларни бошқариш, одамда бошқариладиган параноя пайдо қилиш, психологик ва техник воситалар билан сеҳр қилиш, ақл ўқидиган ва уни бошқаридиган I-Phone ва Apple каби иборалар матбуотда тез-тез учрай бошлади.

Буларни эшишиб, бизда тақдирни гуё Оллох ўрнига психологлар, психиатристлар, невробиологлар, биокимёчилар ва квантум физикчилар чизаётгандай ва ёки дунё бир жиннихонага айланётгандай таассурот колади.

### Психотроп моддалар

Марказий асад системасида тъясир кўрсатадиган ва мия фаолиятини ўзгартириб, зехн, руҳий вазијат, идрок ва хулқ-авторда ўткинчи ўзгаришларга сабаб бўладиган кимёвий моддалар - психотроп ёки психоактив моддалар деб аталади.

Бу моддалар бадан парваришида, парфюмерија, кайфиятни кўтариш, тушунчани ўзгартириш, урф-одат (ритуал)ларга, руҳ ва зеҳнга тъясир этишда ёки даволаш мақсадида кўлланилади.

Таркибида нима борлигини билмасдан кўлланилаган детержанлар, парфюм, дезодорант, тиш пастаси, шампун, егуликдаги кўшимча моддалар ва тиббий дорилар жамиятда ахлоқнинг бузилишига, кишиликнинг йўқотилишига, жинсиятнинг ўзгаришига ва кисирликка йўл очмоқда.

Психотроп моддалар уларни қабул қиласидан сурункали қабул қилиш натижасида, инсонда унга жисмонан боғланиб қолиши ҳолатлари юзага чиқиши мумкин.

Ҳолатларида юксак завқ-шавқ пайдо қиласи. Шу сабаб, уларни қабул қилишда қатор тахликалар бўлишига қарамасдан, кўлланилмоқдадир. Баъзи моддаларни сурункали қабул қилиш натижасида, инсонда унга жисмонан боғланиб қолиши ҳолатлари юзага чиқиши мумкин.

Бундай боғлиликлардан кутилиш учун эса психотропия, ёрдам берувчи гурухлар ва ҳатто бошқа психотроп моддаларга эҳтиёж каби, қатор реабилитацион тадбирлар олиш лозим бўлади.

Бу моддаларни ортиқча қўлланиш, уларга боғланиб қолиши, бундай қўлланишнинг ахлоқий хусусиятларга тақалиши бошқа бир мунозара мавзусидир. Дунёнинг талайгина мамлакатларида ҳукуматлар бундай моддаларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш кўрсаткичларини пастга туширишга ҳаракат қилишмоқда.

Псикотроп моддаларнинг аксарияти невротрансмиттерларни систематик равишида ўзгартириб турадиган, галюцинациягенлар амфетаминлар ва уларнинг мукобилларидан иборатдир. Бу моддалар сунъий кўркувлар, гипноз, ғалати туш кўриш, оғриқча чидамни ортириш ёки камайтириш, хотирани йўқотиш, саросима, психоз, хаёл куриш ва тегинишига қарши ҳассослик каби ҳолларни майдонга келтиради. Буларни тушуниш учун битта ўрнак: антидепрасантлар қўлланган ёш қизларда тегинишига қарши ҳассослик пайдо бўлади. Улар эрга чиқишганида вагинизм касаллигига дучор бўлишади. Ва улар эргарини ёнига якилаштирумайдилар, тегинишига йўл қўймайдилар.

Сўнгра уларни психиатр амфитаминсимон моддалар билан даволай бошлайдилар. Бу кўр ҳалқа ҳеч таомм бўлмайди.

Баъзи бузук мафкурали тариқатлар бу моддалар воситасида жинсийлик ва либидони қўлланарак, "кўпроқ лаззат олиш" механизмини кўлга киритмоқдадар.

**Оидин СОЛИХ**  
"Хақиқий тиббиёт" китобидан  
(Давоми кейинги сонда)



"Эркин Юрт" интернет-газетаси www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мустақил манбааларнинг маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Камолиддин Йўлдош**